



Темурийзода султонлардан бири, улуг шоир ва давлат арбоби, йирик саркарда ва беназир тарихнавис Захириддин Мухаммад Бобурнинг хаёти ва ижоди давру замонлар ўтгани сайин неча авлод ижодкорларини кизиктириб келмокда ва бундан буён ҳам шундок бўлмоги мукаррар. “Шоирлиги шохлигидан, шохлиги шоирлигидан улуг” хазрати Бобур киска бўлса-да, нечогли зиддият ва карама-каршиликлар, матонат ва жасоратларга бой сертахлика ва сермазмун хаёт йўлини босиб ўтгани ўқувчиларга яхши маълум. Вакт ўтгани сари улуг аждодимиздан колган улкан ижодий мероснинг кадр-киммати янада залвор ва салмок касб этмокда. Аслида, “Темурийзода султон Захириддин Мухаммад Бобур” дейилишининг ўзидаёк ҳамма гап айтиб бўлингандай, шу маком ва ном тилга олиниши биланок бошка сўз ва изохга ўрин йўкдай.

...Мактабда ўкиб юрган паллаларимиздан бошлаб, кирк йиллардан буён дилда яшаб, хотирда янграб келаётган ўтли-хасратли сатрлар: “Хар кимки вафо килса вафо топкусидур, Хар кимки жафо килса жафо топкусидур”, “Яхшилиг ахли жахонда истама Бобур киби, Ким кўрубдур, эй кўнгул, ахли жахондин яхшилиг.” Ва, албатта, абадиятга ракамланган бу охлар, аламлар: “Юз ох, Захириддин Мухаммад Бобур...”, “Ўз юртни кўйиб, Хинд сори юзландим, Ё Раб, нетайин, не юз каролиг бўлди?!”, “Хазон яфроги янглиг гул юзунг хажрида саргардим”. Ёки: “Менинг кўнглумки гулнинг гунчасидек тах-батах кондур, Агар юз минг бахор ўлса, очилмоги не имкондур”.

“Бобурнома”ни ўкиб, Бобурни ўкиб амин бўлганимиз: йўк, юз ох эмас – юз минг-юз минг оху зор, юз минг-юз минг согинчу фирокдан тузилган экан бу умр, юз минг эмас – юз минг узра яна юз минг бахор келса ҳам мангу мунглуг бу кўнгилнинг очилмогига деярли имкон йўк экан.

Устоз адиблар мактаби ва тажрибасидан ўрганган холда, бурч ва хавас такозоси юзасидан мен ҳам бир каламкаш сифатида Бобур бобо ижодига мурожаат килмокка журъат этдим. Ва бу – ниҳоятда киска, аммо туганмас хаётнинг, зим - зиё оламини ёритган чакиндай тез сўнган, лекин, мана, беш юз йиллардан буён тўхтамай давом этиб келаётган, мардлик ва матонат, гурбату фирок, мехнату аламларга тўла умрнинг юз лахза, юз холатини кўлимдан келганча ифодалаб беришга харакат килдим. Гох Бобур хазратлари тилидан, гох ўзимдан, гох шеър, гохи газал тарзида, гох рубоий, гохи мухаммас шаклида кўнглимдагиларни, ният ва максадимни иншо этишга уриниб кўрдим. Шу жихатдан тагсарлавхада “достон” деб ёзилган бўлса-да, бу битикларни достон йўлидаги бир жаҳд ё уриниш дейилса тўғрирок бўлар. Бино ёхуд иморатда бўлгани

янглиг, бунинг пойдеворига “Бобурнома” дан, Бобур шеъриятидаги энг нозик нукталардан –хотиралар, ўй ва кечинмалар, мисралар билан байт ва рубоийлар асос килиб олинди. Бинонинг тархи-лойихаси нечоғли пухта-пишик чиккани, гишталари билан синчлари канчалар тўғри кўйилгани, шувоғию бўёқларигача баҳо бериш – зукко ўқувчига хавола.

Факат бир тахлика: Бобур бобонинг каттик, синчков назари, ул зотнинг “Бобурнома”да Султон Махмуд Мирзо хакида “Табъи назми бор эди, девон таркиб килиб эди. Вале шеъри бисёр паст ва бемаза эди. Андок шеър айткондин айтмагон яхширокдур” деган катъий ва кескир сўзлари хозир ҳам манглайим узра киличдек яркираб тургандек туюлади...

Сирожддин Саййид

[кўчириб олиш](#)